

## ТАЛАБАЛАРДА ФУҚАРОЛИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДОЛЗАРЬ ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА

Джумакулов Шухрат Баходирович  
ЎзДЖТСУ, “Спорт ҳуқуқи, ижтимоий ва  
табiiй – илмiiй фанлар” кафедраси профессори

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада “фуқаро”, “фуқаролик”, “компетенция”, “фуқаролик компетенцияси” тушунчаларининг мазмун-моҳияти, талаба-ёшларнинг фуқаролик туйғуси, фуқаролик компетенциясини ривожлантириш, ўз фуқаролик позициясига эга бўлиш руҳида тарбиялаш масалалари тадқиқ этилган.

**Калит сўзлар:** “фуқаро”, “фуқаролик”, “компетенция”, “фуқаролик компетенцияси”.

## COOPERATION RELATIONS OF UZBEKISTAN WITH CENTRAL ASIA COUNTRIES

Djumakulov Sh.B.  
UzJTSU, “Sports Law, Social and  
Department of Natural and Scientific Sciences Professor

### ABSTRACT

In this article, the meaning of the concepts of “citizen”, “citizenship”, “competence”, “civic competence”, the sense of citizenship of students and young people, the development of civic competence, and the issues of educating them in the spirit of having their own civic position are studied.

**Key words:** “citizen”, “citizenship”, “competence”, “civil competence”.

### КИРИШ

Сўнгги йилларда таълим тизими, шу жумладан, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги Қонунида таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари сифатида таълим соҳасида камситишларга йўл қўйилмаслиги, таълим олишга доир тенг имкониятларнинг таъминланиши, таълим ва тарбияга миллий ҳамда

умуминсоний кадриятларнинг сингдирилганлиги, таълим ва тарбиянинг инсонпарварлик, демократик хусусияти кабилар белгилаб берилган [1]. Айниқса, “Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”да талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантириш билан бевосита боғлиқ қатор муҳим йўналишлар белгилаб берилди:

- давлат ва жамият олдида турган муҳим вазифаларни ҳал этишда масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, юртпарвар, ташаббускор, замонавий билим ва кўникмаларни ўзлаштирган, инсоний фазилатларга эга ёшларни профессионал касб эгаси сифатида тайёрлаш, бу борада янгича ёндашувларни талаб этадиган таълим-тарбия усулларидан фойдаланиш;

- ёшларнинг қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятидан хабардорлиги, ҳуқуқий онги ва маданиятини ривожлантириш, уларда соғлом турмуш тарзига риоя этиш, инсон ҳуқуқлари, гендер тенглиги, тинчликпарварлик ва миллатлараро тотувлик, виждон эркинлиги, барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилиш каби умуминсоний кадриятлар билан бирга миллий-ахлоқий кадриятларни камол топтириш, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий фаоллик, мустақкам фуқаролик компетенциясини ривожлантириш;

- талаба-ёшларни турли ахборот хуружлари, ёт ғоялар таъсирига тушиб қолиши, улар томонидан ижтимоий хавфли қилмишлар содир этилиши ҳолатларининг олдини олиш, Ватанимиз истиқболи йўлида бирлаштириш мақсадида таълим-тарбиянинг таъсирчан усуллари, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишда уларнинг қизиқишини эътиборга олиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва ҳ.к[2].

Юқоридаги ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб берилган вазифалардан кўриниб турибдики талабаларнинг фуқаролик компетенциясини ривожлантириш долзарб педагогик муаммо ҳисобланади.

### **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ**

“Фуқаро”, “фуқаролик”, “компетенция”, “фуқаролик компетенцияси” тушунчаларининг мазмун-моҳияти ҳамда талабаларнинг фуқаролик компетенциясини ривожлантиришга оид Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони, Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп луғати, Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, М.Х.Тохтаходжаеванинг Педагогика назарияси ва тарихи дарслиги, хорижий олимлардан Сластенин В.А, Филонов

Г.Н, Суколенов И.В , Галямина И.Г, Савотина Н.А, Республикамиз олимларидан А.Акрамов, Н.Муслимов, Б.Х. Ходжаев, Ж.С. Отепбергеновларнинг диссертация ва илмий адабиётлари таҳлил қилинди.

### **НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМАЛАР**

Адабиётлар таҳлили натижасида “фуқаро”, “фуқаролик”, “компетенция”, “фуқаролик компетенцияси” тушунчаларининг мазмун-моҳиятига аниқлик киритиб олиш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Мустақиллик изохли илмий-оммабоп луғатда “Фуқаролик – шахснинг муайян давлат қармоғида бўлиши, шу давлатга, мамлакат ичида ҳам, унинг ташқарисида ҳам мансуб эканлиги, шу мансубликнинг ҳуқуқий ҳужжатлар ёрдамида тасдиқланганлиги” [3], Ўзбекистон миллий энциклопедиясида эса, “Фуқаролик шахснинг муайян давлат билан доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқаси, бу алоқа шахс ва давлатнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларида ифодаланади” [4], – дея таърифланган.

Юқоридаги таърифлардан кўриниб турибдики, фуқаролик маълум бир мамлакатга мансубликни аниқлаб, шахс ва давлат ўртасидаги муносабатларни ўрнатишда муҳим ўрин тутади. Чунки чинакам маънода фуқаролик шахснинг ўзи яшаётган давлатда қарор топган сиёсий, ҳуқуқий, маънавий, ижтимоий қадриятларга аксиологик муносабатда бўлиши, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурмат қилиши, жамиятдаги воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси билан яшаши билан белгиланади. Тарихан “фуқаро” сўзи билан бирга “раият” тушунчаси ҳам истеъмолда қўлланилган. Бироқ агар “фуқаро” сўзининг маънавий жиҳатига эътибор қаратилса, у Ватан олдидаги ҳокисорлик, камтаринлик билан уйғун эканлигини аниқлаш мумкин.

Ривожланган мамлакатлардаги сингари ҳуқуқий-демократик давлат сифатида республикада ҳам фуқаролик қўйидаги муҳим тамойиллар устуворлигига асосланади: барча миллат ва элатларнинг тенг ҳуқуқлилиги, гендер тенглик ва эркинлик, ҳамманинг қонун олдида тенглиги, фуқароликни олиш ва тўхтатишнинг ҳуқуқий асосларининг аниқ белгилаб қўйилганлиги, давлат хизматларининг тизимли ташкил этилганлиги, халқаро шартномаларнинг ратификация қилинганлиги ва бошқалар.

Давлат ва ижтимоий субъектлар ўртасидаги муносабатларнинг инсонпарварлашуви, демократлашуви туфайли муайян давлат ҳудудида истиқомат қиладиган ҳар бир шахс фуқаро сифатида эътироф этилади ва унинг фуқаролик мақоми давлат томонидан ҳимояланади.

Шахснинг давлат билан фуқаро сифатидаги ўзаро алоқаси бевосита унинг фуқаролик компетенциясига эгаллигида намоён бўлади. Шахсда фуқаролик компетенциясини ривожлантириш бевосита фуқаролик тарбияси доирасида

амалга оширилади. Бу ўринда табиий равишда “фуқаролик тарбиясининг ўзи нима?” деган савол туғилади.

Фуқаролик тарбияси – бу “фуқаролик тушунчасининг моҳиятини англатиш орқали ўқувчи ва талабаларда юксак даражадаги фуқаролик маданиятини шакллантириш, уларни халқ, Ватан, жамият манфаатлари йўлида курашувчи фуқаролар этиб тарбиялашга йўналтирилган педагогик жараён” бўлиб, унинг “марказий объекти фуқаро саналади” [5]. Шахсни фуқаро сифатида камол топтиришда оила, таълим муассасалари ва ижтимоий муҳит (жамият)да ташкил этилаётган фуқаролик тарбияси ўзига хос аҳамият касб этади.

В.А.Сластениннинг фикрича, фуқаролик ички эркинлик ва давлат ҳокимиятига ҳурмат, ватанга муҳаббат ва тинчликка интилиш, ўз-ўзини қадрлаш ва интизомни, ватанпарварлик туйғуларининг уйғун намоён бўлиши ва миллатлараро мулоқот маданиятини ўз ичига олади [6]. Г.Н.Филоновнинг фикрича, “фуқаролик – бу шахснинг қонунларга итоаткорлиги, ўз Ватанига хизмат қилиш ва Ватан манфаатларини ҳимоя қилишда жасорат кўрсатиш, умумэътироф этилган меъёрлар ва ахлоқий қадриятларга аксиологик муносабати ва амалий фаолиятда намоён бўладиган субъектив фазилатлари мажмуидир [7].

И.В.Суколенов фуқароликни тўрт: ижтимоий-ҳуқуқий, ахлоқий-этик, ижтимоий-психологик ва педагогик жиҳатдан кўриб чиқиш мумкинлигини таъкидлайди. “Ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан фуқаролик демократик онгнинг етарли даражаси, бўлажак фуқаролар томонидан демократик қадриятлар, демократик муносабатлар тажрибасини қабул қилиш, давлат бошқарувида фаол иштирок этишга тайёрлик сифатида белгиланади. Ахлоқий-этик жиҳатдан фуқаролик жамиятнинг бурч, масъулият, кадр-қиммат, виждон, ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳр-шафқат каби идеалларга яқинлик даражасини баҳолайдиган жамиятнинг ахлоқий маданияти даражаси сифатида тушунилади. Ижтимоий-психологик жиҳатдан фуқаролик – мамлакат, жамият билан бирлик туйғуси, ижтимоий оптимизм, Ватанга муҳаббат, ҳаёт қийинчиликларини енгиб ўтишда қатъият ва матонат, бунёдкорлик ишларида қатнашиш, ижтимоий ва миллий қадрият туйғуси, бағрикенгликдир. Педагогик нуқтаи назардан фуқаролик деганда ўқувчи шахсининг ижтимоий йўналтирилганлиги, жамиятда қабул қилинган ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларга мувофиқ ижтимоий аҳамиятга эга ва индивидуал зарур мақсадларга эришишга тайёрлигини белгиловчи сифатларнинг интегратив мажмуи тушунилади [8].

Н.А.Савотина эмпирик тадқиқотлар натижаларига таянган ҳолда, “фуқаролик” ва “фуқаро” тушунчалари замонавий жамиятлар ривожини билан боғлиқ асосий жиҳатлар билан бойитилиши лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтган. Фуқаролик – бу шахснинг сиёсий камолотини белгилаб берувчи ўлчов

бўлиб, фуқаро – давлат ва жамият ҳаётида ихтиёрий равишда қатнашадиган, нафақат шахсий, балки умуммиллий манфаатлар учун ҳам қайғурадиган инсондир [9]. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида қандай мавқега эга бўлиши кераклиги, жамият ва шахс муносабатларининг қандай тарзда мақбуллаштириш мутахассисларнинг эътиборини ўзига жалб этмоқда.

Ҳозирда талаба-ёшларни Ўзбекистон жамиятининг фуқароси сифатида ижтимоийлаштириш масаласи алоҳида педагогик долзарблик касб этмоқда[10]. Бу Ўзбекистоннинг янги, тараққий этган ахборот майдонига кирганлиги ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлини танлаганлиги билан боғлиқ. Фуқаролик жамияти ранг-баранг мулкчилик шакллари тақозо қилади. Бу шакллар фуқаронинг шахсий эркинлиги, эҳтиёжлари, қизиқишларини қондирувчи асосдир.

Замонавий ёшларнинг юқори малакали мутахассис ва жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ривожланишлари Ўзбекистон жамияти ҳаёт фаолиятининг барча соҳаларида ислохотлар, модернизация ва янгиланиш жараёнлари давом этаётган бир пайтда амалга ошмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътибори ортиб бормоқда. Бундай ислохотлар ёш мутахассисларнинг фаол иштироки ёрдамида амалга оширилмоқда ва келажакда бу анъанани давом эттириш мақсадга мувофиқдир.

Илмий-педагогик адабиётларда “компетенция” ва “компетентлик” атамалари турлича талқин этилади. Яқин вақтларгача уларнинг мазмуни бўйича иккита нуқтаи назар мавжуд эди, баъзи муаллифлар ушбу атамаларга бир-биридан алоҳида тарзда қарашган бўлса, бошқалари уларни бир хил деб ҳисоблашган. Бугунги кунда тадқиқотчилар ушбу тушунчалар ўзига хосликка эга бўлиб, уларни фарқлаш зарурлигини таъкидлашмоқда.

Н.Муслимов компетенция атамасининг луғавий маъноси “қобилият” сўзи билан боғлиқ бўлсада, у яхлитликда билим, кўникма, маҳорат ва қобилиятни ўзида ифода этиши; компетентлик талабаларнинг шахсий сифатлари тўплами ҳамда касбий соҳанинг таянч талабларини англатишини қайд этиб ўтган[11]. Олимнинг “компетенция” ва “компетентлик” тушунчаларига касбий шаклланиш нуқтаи назаридан берган таърифи мукамаллик касб этишини таъкидлаб ўтиш лозим.

Б.Ходжаев компетенция – маълум бир соҳада самарали продуктив фаолият учун зарур бўлган ўқувчининг аввалдан белгиланган таълимий тайёргарлигига қўйиладиган ижтимоий талаблар (меъёрлар)дан ҳам ўзиб кетиши; компетентлик эса, таянч, умумий ва фанга доир компетенцияларнинг ўзлаштирилиши, деган хулосага келган[12]. Олимнинг мазкур тушунчаларга берган таърифи

республикамизда умумий ўрта таълимга компетенциявий ёндашувни татбиқ этиш билан боғлиқ ишлар бошланган вақтда кўплаб саволларга ечим топишга хизмат қилган.

Когнитив компетентлик соҳасида илмий изланишларни амалга оширган Ж.Отепбергенов ўзининг илмий тадқиқотида кўпчилик муаллифларнинг фикрларига қўшилган ҳолда ҳаётий (витаген) ҳамда шахсий тажриба сифатида “компетенция” ва “компетентлик” категорияларини фарқлаш лозимлигини қайд этиб ўтган. Натижада, тадқиқотчи компетентлик деганда инсоннинг маълум бир соҳада самарали фаолиятни амалга оширишга тайёрлиги ва қобилиятини ифода этувчи унинг интегратив шахсий динамик тавсифи тушунилади, деган нуқтаи назарни илгари сурган [13].

И.Г.Галямина компетенцияни турли соҳалардаги касбий муаммоларни ҳал қилишда билим ва кўникмаларни қўллаш олиш қобилияти ва унга инсоннинг тайёрлиги, компетентлики эса – компетенциялар йиғиндисининг намоён бўлиши сифатида тушунади [14].

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкинки, “компетенция” тушунчасини тавсифлашда кўпинча лаёқат, қобилият, тайёрлик каби хусусиятларга таянилади, компетентлик эса, интегратив шахсий сифат ёки сифатлар йиғиндиси сифатида намоён бўлиши олға сурилади.

### **ХУЛОСА**

Хулоса қилиб айтганда, компетенцияни эгалланган билим, кўникма ва малакаларни шахсий фаолият тажрибасига таянган ҳолда амалиётда қўллашга интилиш, тайёрлик ва қобилиятлар йиғиндиси сифатида тушуниш мумкин. Фаолиятда муваффақиятли амалга оширилган компетенциялар маълум бир соҳадаги компетентлики белгилаб беради.

Талабаларнинг фуқаролик компетенциясини ривожлантириш муаммоси тарбиявий жараёнга “компетенциявий” ёндашувни татбиқ этиш нуқтаи назаридан долзарб бўлиб, жамиятда демократик кадриятларни қарор топтириш, ижтимоий фаол шахсни шакллантиришнинг асоси бўлиб хизмат қилади [15].

Бугунги кунда давлат ва жамият олдида турган муҳим вазифаларни ҳал этишда масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ватанпарвар, ташаббускор, замонавий билим ва кўникмаларни ўзлаштирган, инсоний фазилатларга ва ўз фуқаролик позициясига эга ёшларни тайёрлашда фуқаролик компетенциясини ривожлантириш муҳим деб ҳисоблаймиз.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)

1. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги Қонуни // ЎРҚ-637-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони // ПФ-5847-сон.
3. Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Т.: Шарқ, 1998. – 528 б.
4. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 9-жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2005. – 704 б.
5. Педагогика назарияси ва тарихи. 1-қисм. Педагогика назарияси /Дарслик. М.Х.Тохтаходжаева ва бошқ.– Т.: “Moliya-iqtisod”, 2007. – 379 б.
6. Сластенин В.А. Общая педагогика [Текст] / В.А. Сластенин, И.Ф. Исаев, Е.Н. Шиянов. – М.: Гуманит. Изд. Центр ВЛАДОС, 2002, Ч. 2. – 238 с.
7. Филонов Г.Н. Воспитание как социально-педагогический феномен. Стратегия развития. – М.: Гос. НИИ семьи и воспитания, 2000. – 160 с.
8. Суколенов И.В. Теория и практика гражданского образования в общеобразовательных учреждениях России (историко-педагогические аспекты): автореф. дисс. ... д-ра пед. наук. – М., 2001. – 37 с.
9. Савотина Н.А. Гражданское воспитание студенческой молодежи в современном вузе: дис. ... д-ра пед. наук. – Москва, 2005. – 459 с.
10. Акрамов А. Шахсга йўналтирилган таълим технологиялари асосида бўлажак ўқитувчиларда фуқаролик позициясини ривожлантиришнинг ташкилий методик асосларини такомиллаштириш: пед. фан. док. ... дисс. Автореф. – Т., 2016. – 78 б.
11. Муслимов Н. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари: дис..пед. фан. док. – Т., 2007. – 313 б.
12. Ходжаев Б.Х. Умумтаълим мактаби ўқувчиларида тарихий тафаккурни модернизациялашган дидактик таъминот воситасида ривожлантириш: Педагогика фанлари доктори. ... дисс. –Тошкент, 2016. – 314 б.
13. Отепбергенов Ж.С. Ахборот таълим муҳити шароитида талабаларда когнитив компетентликни ривожлантириш: педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). ...дисс. – Нукус, 2020. – 167 б.
14. Галямина И.Г. Проектирование государственных образовательных стандартов высшего профессионального образования нового поколения с использованием компетентностного подхода: Материалы к шестому заседанию методологического семинара 29 марта 2005 г. / И.Г.Галямина. – М.: Исследовательский центр проблем качества подготовки специалистов, 2005. – 106 с.
15. Джумакулов Ш.Б. Спортчи талабаларда фуқаролик компетенциясини ривожлантиришнинг педагогик -психологик хусусиятлари “FAN SPORTGA” илмий –назарий журнал 2023 й 3-сон. 52-55 б.